

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 954-ҳадис

* لَمَّا عَرَجَ بِي رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ مَرَرْتُ بِقَوْمٍ هُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نُحَاسٍ يَحْمَشُونَ وُجُوهُهُمْ وَصُدُورُهُمْ، فَقُلْتُ
مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جِبْرِيْلُ، قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لُحُومَ النَّاسِ، وَيَقَعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ.

(رواه أبو داود)

Мен Раббим ҳузурига кўтарилган куним, яъни Меърож кечасида бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, юзлари ва кўкракларини тирнашар эди. Мен: «Ё Жаброил! Мана булар ким?» десам, у зот: «Булар одамлар гўштини еб, яъни ғийбат қилиб, уларнинг обрўларига тажовуз қилувчилардир», деб айтдилар.

Абу Довуд ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

